


## Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашди



Туркменистонга расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу мамлакат Парламентининг юқори палатаси раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедов томонидан бошланган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар кучли Туркменистонни барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор бўлганини алоҳида қайд этди.

- Бугун қардош Туркменистон миллий бирликни ва тарихий-маданий анъаналарни сақлаш асосида жадал ривожланмоқда. Бу бутун дунёда ўзининг юксак эътирофига сазовор бўлди, - деди Шавкат Мирзиёев.

Гурбангули Бердимухамедов биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳамда уларни чуқур стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга шахсан ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон-Туркменистон алоқалари ўзаро ҳал бўлмаган масалалардан холи давлатлараро шерикликнинг ҳақиқий намунаси экани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда икки томонлама, минтақавий ва халқаро ҳамкорлик масалаларининг кенг доираси муҳокама қилинди.

Парламентларимиз ўртасидаги мулоқот халқларимизнинг янада яқинлашишида энг муҳим омил экани таъкидланди.

- Олий даражада эришилган келишувларнинг бажарилишини мониторинг қилиш учун парламентлараро ҳамкорлик салоҳиятидан бундан буён ҳам самарали фойдаланишимиз лозим, - деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашув сўнггида Гурбангули Бердимухамедов Шавкат Мирзиёевга туркман халқи алоҳида қадрлайдиган алабай зотли кучук совға қилди.





**Манба**